

Андижон собик Хўканд хонлигининг мухим шаҳарларидан бири. Хинд-мўгул давлати олийсининг асосчиси, кахрамон ва адиб султон Бобурнинг ватани ва ҳозирда Фарғона ўбластининг уезд марказидир. Усмонлича айтганда, қойим мақомлик макон. Ушбу шаҳардан олган ажойиб бир мактубнинг босилиши диққатга лойик, деб билдик. Сохиби мактуб биздан ҳам гўзалроқ сўйлаганидан ёзганларини айнан нақл қиламиз.

Ёзади:

«Мухтарам устозимиз Исмоилбек жаноблари! Андижоннинг баъзи буюклари менга айтадилар:

- «Сен Шалола, Турк Юрду, Шахбал, Таржимон, Вакт ва Икбол ўқийсан. Нима учун «Мирзо Бедил» ва «Хўжа Хофиз»ларни ўқимайсан?»

Бу саволга жавоб бўлгудек бир нарса айта олмадим. Агар жавоби бўлса «Таржимон»да босилишини ўтиниб сўрайман. Агар жавоби бўлмаса, «бу янги адабиётни» сувга, оташга отиб, вақтим бориचा «Мирзо Бедил» ва «Хўжа Хофиз» мутолаасидан бош кўтармайман.

Сулаймонзода Абдулхамид Чўлпон

Эй, менинг шўрпешона шогирдим, сенга ва сенга ўхшаганларга дархол жавоб берамиз... Илтимос қиламан, ҳамон адабиётни ўтда ёндирманг, сувга ботирманг! Мени «мухтарам устоз» деманг! Ўттиз йил дарс бериб, «адабиёт»ни ёндирилиши тўғрисида эшитган бир «устоз» мухтарам бўлмайди, ҳам устоз дейилишига ҳаққи йўқ. У, у бир бадбахт муаллимдир!

«Мирзо Бедил» Хиндистоннинг Шайх Саъдийси. Ёзган тамсилларида берадиган насиҳатлари, дарҳақиқат гўзал ва фойдали нарсалар. Хўжа Хофиз эса маълум... Уларни бир, икки, беш марта ўқинг!

Уларда янги ва ёки эски адабиётга қарши айтилган бир сатр кўрсангиз, менга хабарини беринг... Улар инсон қаламидан тўқилмиш улуг девонлар. Лоқин улар «Қуръон» эмас! Қуръони азимуш-шаъннинг қирк жилддан иборат ўн бир турли тафсири борқи, улар «Қуръон адабиёти» дейилади.

Қардошим, «адабиёт» ўтда ёқиладиган нарсалардан эмас, ружуъ ила тавба қилинг! Мирзо Бедил, Шайх Саъдий, Хўжа Хофиз ўқитилади, ўқитилиши қерак. Леқин, уларда бўлмаган нарсаларни ўқимок ва ўрганмок қерак эмасми?

Улар тўрт-беш юз йил муқаддам ёзилган нарсалар: ҳозирқи асрга доир бирор сўз йўқ. Бу қунни, бу асрни билишни хоҳласангиз на Шайх Саъдий раҳбарлик қилади, на Мирзо Бедил далолат беради. Замонамизнинг тижорати, рақобати, идораси ва сиёсатидан, эҳтиёжи ва заруратидан, уруши ва талашидан хабар ва маълумот Мирзо Бедил ёки Хўжа Хофизда йўқ.

Андижондан келган саволга жавоб

Муаллиф:

07.02.2014 06:11 -

Буларни билиш керак бўлса икболларни, таржимонларни, вақтларни, турк юрдуларни ва булардан бошқаларини ўқимок керак. Агар, керак бўлмаса, осмонга қараб, юлдуз-ларга, сайёраларга бокканингизча тураверинг! Лекин, «адабиётни ёндирманг - айб... Адабиёт сизга: - Жохил бўлинг, демас.

- Сафил бўлинг, демас.

- Оламга қулғу бўлинг, демас.

- Дунёсевар киши бўлинг, демас.

- Бошқа инсонларга нисбатан хайвон қолинг, демас. Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас. Лекин, ёндирганларни ёндиради, ботирганларни ботиради, сувга эмас, лойга, балчикка ботиради!

Ботганимиз, ётганимиз оз бўлдимики, яна хоҳлайсиз?

Мирзо Бедил, Хофиз Шерозий, Шайх Саъдий, «Гулистон» ёки «Анварул-ошикийн» ҳўб улуг номлар, ҳўб марғуб асарлар. Улар ўқилиши керак. Лекин, улар етарли эмас.

Замонамиз бошқа замона, гурунгларишимиз бошқа гурунглар. Асрнинг, замоннинг қамолот ва ирфони эски адабиётда эмас, янги адабиётда бўлади. Аср, замоннинг ҳол ва садоларига қулоқ беринг. Шухратли ислом олами бу қун бир «дорул-ожизийн, макони гофилийн» ҳолига келган... Бу доиранинг бир маҳалласи Андижон, иккинчи маҳалласи Богчасарой харобаларидир.

Бу жавобни ҳар қимга айтишинг мумкин. Махфий эмас.

Исмоил Гаспринский, «Таржимон», 1913 йил 27 ноябрь